



Тошкент Оқшомы

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (11.601)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нарҳларнинг асосиз оширилишига йўл қўймаглик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолиятни йўнатилишлари этиб белгилансин:

монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини тартибга солиш, табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорини ва реклама соҳасида ноинсоф рақобатга чек қўйиш, маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаглик учун ҳўқуқий майдонни янада такомиллаштириш, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатбардорлигини чуқур таҳлил қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларни тартибга солиш ва уларнинг банкротлиги соҳасидаги функцияларни амалга ошириш, тартибга солиш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қўйидаги вазифалар юклансин:

ўз ваколатлари доирасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар ҳақидаги, банкротлик тўғрисидаги, истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини тўхтатиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш ҳамда берилган ёзма кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

давло ва ариза билан судга мурожаат қилиш, шунингдек, монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишда қатнашиш;

ҳўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмолчиларнинг ўз ҳўқуқларини камситилганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятлари юзасидан корхоналар ва ташкилотларни (уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятидан ташқари) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши билан келишган ҳолда текшириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодий вазирилик, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектларининг Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини

ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин ва унинг зиммасига қўйидаги вазифалар юклансин:

кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, ўшбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар ва кредит ресурсларини кенг жалб этишда қўмақлашиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, кичик корхоналар томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардорлиги бўлган маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришда ҳамда уларни жаҳон ва минтақа бозорларига киритишда қўмақлашиш;

уюшма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун қўлақларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этиладиган даъволар юзасидан судларда қўриладиган ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlar Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДА «ИЖОД» ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг бекиёс ўрни, тасвири ва ахамиятини инобатга олган ҳолда, адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қўмақлашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазиrlar Маҳкамасининг 2009 йил 30 июлдаги 394-ф-сон фармойишига биноан ташкил этилган Республика комиссиясининг Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт фонди негизида Уюшма ҳузуриндаги юридик шахс мақомига эга бўлган «Ижод» фондини (кейинги ўринларда - Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулансин.

Қўйидагилар Фондининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш;

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз муҳбирларининг
хабарларидан.


✓ **КЕЧА** Тошкент шаҳар Му-
дофаа ишлари бошқармаси ча-
қирув ййгин пунктида белгилан-
ган синовлардан муваффақият-
ли ўтган бир гуруҳ ўғлонларни
муддатли ҳарбий хизматга куза-
тиш маросини бўлиб ўтди.

✓ **МИРЗО** Улугбек туманидаги
222-мактабда ёшларнинг ҳўқуқий ма-
даниятини ошириш, уларнинг пйван-
длик иллатига йўлиқиб қолишлари-
нинг олдини олиш масалаларига бе-
ғишлаб ўтказилган маънавий-маъри-
фий тадбирда йўловчилар, ўқувчи-
лар, ҳўқуқшунослар иштирок этишди.

✓ **АБУ** Райҳон Беруний номи-
даги Тошкент Давлат техника уни-
верситетининг талабалар, ўқувчи-
лар, сиёсатшунослар иштирокида
ўтказилган маънавий-маърифий тад-
бир жамоат ташкилотларининг фу-
қаролик жамиятини шакллантириш-
даги роли масаласига бағишланди.

✓ **МИРЗО** Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университетини-
да талабалар, ўқувчи-лар, эколог-
лар иштирокида ўтказилган давра
суҳбати «Экологиянинг долзарб му-
аммолари ва уларни ҳал этишда
ёшларнинг роли» деб номланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

**Халқимизнинг бой меросини келгуси
авлодларга етказишда, бетакрор санъат
даражасидаги маҳсулотлар яратиш,
миллий ҳўнармандчилик довруғини
оламга ёйишда мустақиллик берган
имкониётлардан оқилона фойдаланиб, ўз
иқтисодни ва маҳоратини намойиш
этаётган қўли гул ҳўнармандларимизнинг
ҳиссаси салмоқли.**

Сандиксозлик халқ амалий ҳўнармандчилигининг ўзига хос йўналишларидан бири саналади. Мазкур ҳўнар сирларини мукамал ўзлаштирган Қосимовлар сулоласини кўпчилик яхши билиди. Тўртинчи авлод вакили Абдулла Қосимов 45 йилдан буён сандиксозликка эъзозлаб, эл-юрт олқишини олаётган, рўзгорига барака киритаётган инсонлардан дид.

— Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан ҳўнармандлик ривожига катта эътибор қаратилиб, шу соҳа вакилларига қўллаб-қувватлаш берилгани, хўсусий тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизни янада изланишларга ундади, фаолиятимиз эркинлиги таъминланди, — дейди Абдулла Қосимов. — Болалигимдан сандик ясаб, уни беэтишга қўмақлашиб катта бўлдим ва касбимга меҳр қўйдим. Албатта, мазкур ҳўнарнинг паст-баланд сир-асрорларини отамиздан ўргандик, уларнинг кўрсатма ҳамда ўғитларига амал қилдик, ҳаракатларини синчковлик билан кузатдик. «От изини той босар», деб бежизга айтилмаган экан, мана бугун ота-боболаримиз ҳўнарини биз, фарзандларимиз ва набираларимиз давом эттириб келаямиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Абдулла Қосимов яратган сандик ва қўтичаларни ҳақиқий санъат асарлари десак асло муболага бўлмайдми. Ёгончи қайта ишлаш асосида лок, тунука, мис ҳамда латундан тайёрланаётган устанинг маҳсулотлари ўзига хос жозибага эга бўлгани боис ҳам Германия, Япония сингари мамлакатларда ўтказилаётган халқаро кўرғазмаларда алоҳида эътироф этилаётди.

Сандиксоз-уста қўллаб шогирдлар тайёрлашга муваффақ бўлган. Энг қувонарлиси — унинг ўғли Бахтиёр ҳам ота изидан қуриб, айна пайтда мустақил иш юритмоқда. Сандиксозларнинг асосий эзгу-ниятлари маҳоратлари ва ҳўнарга меҳр-муҳаббатлари мужассам бўлган маҳсулотлари билан миллий ҳўнармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш, унинг довруғини жаҳонга таратишдир. Зеро, бунинг учун барча шарт-шароити имкониётлар яратиб берилган.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: сандиксоз Абдулла Қосимов иш устида.
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона вилоятида жорий йил давомида 91 минг 173 та янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу борада, айниқса касаначилик асосидаги иш ўринларини яратишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида вилоятда 544 киши касаначилик асосида ўз фаолиятини бошлади.

• Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида «Санъатга қадам» мавзусидаги бадиий кўرғазма ўтказилмоқда. Кўрғазмадан ёш мусавир Рашид Хўжаниёзовнинг 50 га яқин ижодий ишлари ўрин олган.

• «Камолот» ЁИХ Навоий вилоят кенгаши шаҳар ҳокимлиги, бандаликка қўмақлашувчи марказ ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этди. Тадбирда Навоий шаҳри ҳудудида жойлашган 76 та корхона ва ташкилот 259 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбир давомида 126 киши ишли бўлди. Улардан 79 нафари ёшлардан иборат.

• Сурхондарё вилояти Сарисий туманидаги «Боғу Бўстон» маҳалласидаги 40 та хонадон табиий газ билан таъминланди.

• Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Ўрта қишлоғида кўп тармоқли «Обиҳаёт» фирмаси томонидан насос станциясининг қурилиши якунига етди. Насос станциясининг ишга туширилиши муносабати билан бешта маҳаллани сув билан таъминлаш дастури ҳаётга татбиқ этилди.

• Қизилтепа туманилик тадбиркор Наврўз Ҳайдаров банкдан олган 234 миллион сўмлик кредитни ҳисобига шу пайтга қадар валюта эвазига хориждан келтирилган, саноат корхоналарида кенг қўлланиладиган ўтга чидамли гишт ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйди. Натихада корхонада 17 та янги иш ўрни яратилди.

• Боғот туманидаги «Коттонтекс» қўшма корхонасида 1 миллион 45 минг АҚШ долларлик инвестиция ҳисобига кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Натихада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга ортди ва қўшимча 25 та янги иш ўрни яратилди.

• Қизилтепа туманидаги «Аква-Тўдақўл» қўшма корхонасида 900 миллион сўмлик сармоғ эвазига балиқ қавақларини етиштирувчи янги цех ишга туширилди. Цехнинг очилиши ва хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида корхонада балиқ етиштириш ҳажми икки баробарга қўпайиб, 40 та янги иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

• Украинанин янги сайланган президенти В.Янукович ўзининг хорижга илк ташрифини Бельгия пойтахти Брюсселда бошлади.

• Халқаро майдонда АҚШнинг нуфузини кўтариш мақсадида мамлакат давлат котиби Хиллари Клинтон Лотин Америкаси қитъаси бўйлаб ўз ташрифини бошлади.

• Бугундан бошлаб Исландия ва Россия фуқаролари визаларни энгиллаштирилган тартиб асосида ола бошлайдилар.

• Кеча Канаданин Ванкувер шаҳрида XXI қишки Олимпия ўйинлари якунланди. Унда 14 та олтин медалларни қўлга киритган канадалик спортчилар умумжамоа ҳисобида барчадан ўзиб кетдилар.

• Бангладешдаги «Garib & Garid Sweater Factory» тикувчилик фабрикасида кучли ёнғин рўй берди. Бахтсиз ҳодиса 18 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 50 дан ортиқ одам куйиш асортлари билан касалхонага етказилди. Ёнғин чикишига корхонадаги электр тармоғида юзага келган носозлик сабаб бўлди.

• Фарбий Европа мамлакатларига хўруж қилган «Ксинтия» бўронга натижасида 53 киши ҳаётдан қўз юмди.

• Кеча Япония қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 5,1 балли зилзила содир бўлди.

• Финляндиянинг «Valmet Automotiv» автомобилсозлик компанияси электр энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи янги автомобилни ишлаб чиқарди. «Eva» номи бу машина тўрт кишига мўлжалланган бўлиб, у ҳеч қандай ёнилғисиз ўз аккумулятори ёрдамида 260 километргача бора олади. Янги автоулов шу йилнинг март ойида Женевада ўтказиладиган кўрғазмада намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДА «ИЖОД» ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароитлар яратиш; адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш; ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш; халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда Интернетда кенг тарғиб этишини молиялаштириш; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг тасарруфидаги кўмас мулкни бошқариш, Фонд маблағларидан Фонд низомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мақсадли ва самарали фойдаланиш.
2. Қуйидагилар:
Фонднинг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;
Фонд ижро этувчи дирекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

возимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.
3. Фонднинг Васийлик кенгаши (Ш.Мирзиёев):
ҳар йили Фонднинг даромад ва харажатлари истиқбол кўрсаткичларини тасдиқлаб борсин;
Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқсин ва маъқулласин;
Фонд олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, Фондга ҳомилийк ёрдамини жалб қилсин;
Фонднинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини Фонд даромадларининг шакллантирилиши, харажатларининг асослиги ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан мунтазам назорат қилиб борилишини таъминласин.
4. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:
ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 2 фоизи микродордаги ажратмалар;
«Дўрмон» ижод уйи коттеждлари ва меҳмонхона хоналарини ижарага беришдан ҳамда Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомилийк ёрдами;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.
5. Ушбу қарорнинг 4-банди иккинчи

абзацда кўрсатилган ажратмалар фойдадан олинадиган солиқ, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига ажратмаларни ҳисоблашда солиққа тортилмаган базани камайитириши белгилаб қўйилсин.
6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг:
«Дўрмон» ижод уйи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликlinikасини Фонд бошқарувига ўтказиш;
Фонд томонидан «Дўрмон» ижод уйдан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонасини тасис этиш ва унга бошқариш учун берилаётган мулкдан самарали фойдаланиш вазифасини юклаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг Заҳира жамғармасидан Фондга унинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида 2010 йилда 100,0 (юз) млн. сўм маблағ ажратишни, шунингдек, зарур бўлган ҳолатларда, кейинги йилларда маблағ ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.
8. Фонд ва «Дўрмон» ижод уйдан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонасини ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликlinikаси 2015 йил 1 январьгача барча солиқлардан, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ва Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилсин.
Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар фақат Фонд ва унинг бошқарувидаги «Дўрмон» ижод уйдан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонасини ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликlinikаси зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга йўналтирилади.
9. Фонднинг Васийлик кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан келишилган ҳолда Фонд уставини ҳамда Фонд маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.
10. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига «Дўрмон» ижод уйи коттеждлари ва меҳмонхона хоналарини уюшма аъзоларига ижодий хизмат сафарлари учун фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низоми бир ой муддатда ишлаб чиқши ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.
11. Фонд Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 16а-уй манзилидаги биного жойлаштирилсин.
12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 26 февраль

Иқтисодиёт

ИШ ҲАМКАМЛАРНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЯНГИ ИШ ҲАМКАМЛАРНИ ЯРАТИШ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИДАН ЭКНАЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ижтимоий ҳимоянинг муҳим жиҳатларидан экналиги алоҳида таъкидланди.

Албатта, янги иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, хорижий ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ривожини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб боришини, янги цехлар ташкил этилаётгани ёшларни иш билан таъминлаш имкониятини яратмоқда.

Ана шундай жамоалар орасида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган «Ирригация бўйича бош махсус конструкторлик бюроси» қўшма корхонасини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Россиялик шериклар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда харидорни бўлиб, буюртмалар йилдан йилга ортиб бормоқда. Бунинг асосий боиси эса бозорни тинмай ўрганиш, юқори қувватли дастгоҳлар, илгор технологиялардан самарали фойдаланиш, янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш асносида рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтиришдир.

Корхонада пахтани қайта ишлаш асосида ип-калава ишлаб чиқарилади. Сўнгра ушбу маҳсулотдан кўплаб соҳа ходимлари учун махсус кўлқоплар тайёрланади. Шунингдек, корхона мутахассисларининг изланишлари самара бериб, 50 йиллик хизмат қилиш кафолати бўлган, кўплаб тармоқларда қўл келадиган алюмин-пластик қувурлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада янги иш ўринлари ташкил этишга эътибор қаратилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 270 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Жорий йилда ҳам кўплаб ёшларни ишга жалб этиш кўзда тутилмоқда.

ХАРИДОРНИ РИВОЖЛАТИРИШ МАҚСУЛОТЛАРИ

Бугунги кун талабларига мос маҳсулотлар тайёрлаш борасида изчил изланаётган корхоналарда рақобатбардош товарлар кўпайиб, бозорда ўз ўрнини топмоқда.

«Замонавий полимер қувур» масъулияти чекланган жамияти қисқа вақт фаолияти давомида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришди. 2007 йилда корхонага хориждан янги технологик линиялар келтириб ўрнатилди. 2008 йилдан бошлаб ичимлик суви ва оқва суви тармоқлари учун полиэтилен қувурлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу йили корхона газ тармоқларига мўлжалланган қувурлар ишлаб чиқариш учун сертификатга эга бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу маҳсулотлар турдош корхоналар товарларидан бирмунча арзонлиги, ишончлилиги билан афзал ҳисобланади. Шунингдек, буюртма асосида корхонадан харид қилинган қувурлар бепул ўрнатилиб, фойдаланишга топширилетгани аҳамиятлидир. Бундай хизматлар Навойи, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари, «Ўзтрансгазтехника» ширкати, «Қамчиқтрансгаз», «Ўзкоммунахизмат» бош агентлиги тузилмаларида амалга оширилганлиги бунга ёрқин мисолдир.

КУЛОЛЧИЛИК УСТАСИ

Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилигимиз анъаналари мустақиллик йилларида янада ривожланди, сайқал топди.

Президент соврини учун «Ташаббус-2009» кўрик-танлови ғолиби Нўъмон Облаклов кўп йиллардан буён кулолчилик билан шуғулланиб келмоқда. Унинг лойиҳадан яратилган мўъжизалари, яъни уй-рўзғор буюмлари, безак учун ишлатилмайдиган кулолчилик ашёлари, турли эсдалик совгалари бетакорлиги билан ажралиб туради. Уста малякатида ижтимоий ва хорижий давлатлардаги кўргазмаларда ўз ишлари билан фаол қатнашиб, эътирофга сазовор бўлган.

Иқтидорли ёшлардан шоғирдлар етиштиришда, ўз хунарини уларга эринмай ўргатмоқда. Унинг асарлари бир неча бор Ўзбекистон Бадиий академияси дипломлари билан тақдирланган. 2006 йилда Нўъмон Облаклов «Шўхрат» медалига сазовор бўлди.

Бугунги кунда уста ва унинг шоғирдлари тайёрлаган кулолчилик буюмлари юз хилдан ортган. Асосий мақсадим миллий ҳунармандчилик ривожига муносиб улуш қўшишдир, — дейди моҳир кулолчи. — Замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда турли кулолчилик буюмлари ишлаб чиқараётимиз. Келгусида ҳам ушбу ҳунар йўналишини давом эттирадиган шоғирдлар тайёрлашни давом эттираман. Ниятим, улар ҳам бетакор кулолчилик ашёларини яратиш, ҳунармандчилигимиз раванқига муносиб ҳисса қўшади.

Шарофат БАҲРОМОВА

ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙўЛИДА



БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТД) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда мамлакатимизда инновацияларни сиёсат ва технологиялар трансфери соҳасида ривожланишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга киришди.

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барқарор ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида инновация фаолиятини қучатиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди БМТД иқтисодий бошқарув бўлимининг раҳбари Шерзод Акбаров. — Ушбу йўналишда самарали чора-тадбирлар кўрилмади. Чунки, илмий ҳамжамият жиддий равишда қўллаб-қувватланмоқда, технологиялар трансфери бўйича марказлар институционал жиҳатдан мустаҳкамланмоқда, ҳар йили инновациялар фойдаланиш бўйича аҳоли армаркалари ўтказилмоқда. Иқтисодиётнинг реал секторига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида кенг қўламли дастур амалга оширилмоқда. Инновациялар соҳасида миллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш БМТДнинг Ўзбекистон ҳуқуқати билан ҳамкорликда 2010-2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Ҳаражатлар дастурининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

БМТ Тараққиёт дастурининг янги лойиҳасида мамлакатни инновацион ривожлантириш учун зарур бўлган узоқ муддатли дастурни яратиш кўзда тутилган бўлиб, уни жамоатчилик, илмий муассасалар, вазирлик ва идоралар, хусусий сектор, шунингдек, халқаро донор ташкилотлар мутахассисларининг фаол иштирокида ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда. Дастур халқаро амалиётдан кенг қўлланилаётган инновацион ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш, мослаштириш ва ҳисоб-китоб қилиш орқали такомиллаштирилади. Бу эса дастурни амалга оширишда уни синфатли мониторинг қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Технологиялар трансфери учун масъул идоралар, биринчи навбатда, Технологиялар трансфери бўйича агентлик, ҳудудлардаги инновациялар ва технологиялар трансфери бўйича марказлар имкониятларини мустаҳкамлашга оид тадбирлар режалаштирилмоқда. Лойиҳанинг ушбу таркибий қисми мазкур муассасалар мутахассислари учун малака ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва бу дастур бўйича тегишли тренинглар ўтказишни назарда тутди. Таъкидлаш жоизки, инновацион ишланмалар ва технологиялар соҳасида тижоратни ривожлантириш, шунингдек, амалий фанларни иқтисодиёт, ижтимоий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги реал муаммолар билан яқинлаштиришга доир тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирлар ҳар йили инновацион фойдаланиш бўйича аҳоли армаркаларини ўтказишда кўмаклашиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш турли шакллари бўйича (жумладан, венчур молиялаш, имтиёзли кредитлаш, таваккалчиликларни сугурта қилиш) таҳлилий маърузалар тайёрлаш, шунингдек, интеллектуал мулкнинг санюкт объектларини баҳолашга оид стандартлар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро манfaatли ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб борапти. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар билан биргалликда малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам тажриба алмашилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-санюкт палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Германиянинг Иқтисодий ва технологиялар Федерал вазирлиги ҳамкорлигида «Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон — Германия дастури»нинг ҳаётий таълим алоқаларини ҳам бу борадаги ҳамкорлик қўламини далолат беради. Ушбу дастур малякатида 2006 йилдан буён амал қилиб келяпти. Мақсад — Ўзбекистон ва Германия ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш орқали ўзбек менежерларининг бошқарув малакаларини оширишдан иборат. Танлов натижасида 2006 йилдан бери 140 дан ортиқ кичик бизнес вакиллари Германияда менежмент йўналишида малакаларини ошириб қайтишди. Жорий йилда «Igwent» дастури доирасида Германияда бир ойлик малака ошириш курсларини ўташ бўйича машинасозлик, хусусан, электротехника, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳмонхона хўжалиги йўналишларида танлов эълон қилинган. Баркамол авлод йилида мазкур дастурнинг долзарблиги янада ошди. Ўзбекистонлик ёш менежерларнинг халқаро миқёсда тажриба орттириши, касбий малакаларининг мустаҳкамланиши немис компаниялари билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқалар ўрнатиш имкониятини беради.

Эргаш ХўҲАЕВ, «Туркистон-пресс»



АРДОҚЛИ КАСБ — УМР ЙўЛИНИ БЕЗАЙДИ

Мактабни битираётган ўсмирлар ва юқори синф ўқувчиларини келгусида ким бўлсам экан, қандай касбни танлаганим маъқул, деган саволлар доимо ўйлантиради.

Бу борада умумтаълим мактабларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш мақсадида ўтказилаётган «Очиқ эшик кунлари» эътиборга лойиқдир.



Юнусобод туманидаги 259-мактабда ҳам бундай тадбир сермазмун ва қизиқарли ўтди. Ота-оналарнинг ҳам иштироки эътибори эса болаларни руҳлантириб юборди.

Ўқувчилар турли-туман касблар ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш баробарида ўзлари тайёрлаган ранг-баранг дастурларини ҳам намойиш этишди. Жумладан, «Мохир қўллар», дурадгорлик, бисер тўқиш каби тўғрақларда кўргазма ташкил этишди. Бошланғич синфларда эса ўқитувчи Зебо Тошева томонидан «Ким бўлсам экан?» мавзuida очиқ дарслар ўтилди.

5-7 синфларда китобга меҳур уйғотиш юзасидан давра суҳбатлари уюштирилди.

Касбга қизиқиш уйғотиш мақсадида ташкил этилган руҳий-педагогик тест-синовлари, ота-оналар билан суҳбатлар келгусида ўз самарасини беради, албатта.

(ЎЗ мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: 259-мактабда ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Бурхон Ризоқулов олган суратлар

Жорий йилда Андижон вилоятида олий ўқув юрлари талабаларининг «Универсиада» — 2010 спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Айни пайтда жойларда ушбу нуфузли мусобақага қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

«Универсиада» 2010»

УНИВЕРСИАДА МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

Юртбошимиз томонидан ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол вояга етиши, улар орасидан мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоялашга қодир спортчилар етиштириш чизиши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Бундай мусобақалар ўтказилиши муносибати билан шаҳар ва туманларимизда замон талабларига мос муҳташам спорт иншоотлари, стадион ва сув ҳавзалари бунёд этилаётди. Бу ёшларнинг спортга бўлган қизиқиш ва иштиёқини янада оширмоқда.

Универсиада мусобақалари юртимизнинг турли ҳудудларидан мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионлари етиштириш чизишида муҳим мактаб вазибасини ўтамоқда. Улар орасида Тошкент вилояти ёшлари ҳам кўпчиликини ташкил этади.

2007 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган Универсиада мусобақаларида кураш бўйича муваффақиятли иштирок этганман, — дейди қишлоқлик Шуҳрат Муродов. — Ҳам яна Тошкент Давлат аграр университетини тавоқлади. Универсиада ҳаётимда катта бурилиш ясади. Украинада кураш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни қўлга киритдим. Ҳозир вилоят терма жамоаси аъзосиман.

Пойтахт вилояти талабалари бу йилги мусобақаларга ҳам жиҳдий тайёргарлик кўрмоқда. Тошкент вилояти давлат педагогика институтини ҳамда Тошкент Давлат аграр университетидан спортнинг ўн икки тури бўйича 132 нафар талаба сараланиб, терма жамоа таркиби шакллантирилди.

Айни пайтда малакали мураббийлар улар билан қатъий жадал асосида машғуллар ўтказмоқда, — дейди Тошкент вилояти кураш терма жамоаси бош мураббийи Шуҳрат Келдиёров. — Спортчиларнинг пухта тайёргарлик кўришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Ёшларимиз Андижонда ўтадиган нуфузли беллашуларда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар, деган умиддамиз.

Л.СУВОНОВ, ўза муҳбири

Ёшлар — келажагимиз

ОМАД ЁР БЎЛСИН, ҚОДИРЖОН!

Мамлакатимизда келажагимиз эгалари — ёш авлодни соғлом, юксак маънавий соҳиблари этиб тарбиялаш, уларнинг чуқур билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Юртимизнинг барча гўшаларида жаҳон андозалари даражасида қад ростлаётган маънавий ва маърифат масканлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари мана шу хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Этиборлиси, ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ёшлар илм-фан, санъат, спортда ўз билим ва кучини кенг намойиш этиб, халқаро майдонларда ҳам юқори поғоналарни эгалламоқда. Фарзандларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграгандаги фахр ва ифтихорини сўз билан таърифлаш қийин.

Яқинда дзюдо бўйича Ливанда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 50 килограмм вазн тоифасида куч синатишиб, учинчи ўринни эгаллаган Қодиржон Иброҳимов билан суҳбатлашганимизда, диллимиздан ушбу фикрлар ўтиди.


Спортни саломатлик элчиси деб билган, соғлом турмуш тарзига амал қилиб, фарзандлари кал-бида ҳам спортга меҳр уйғота олган Обиджон Аҳмедов ўғли Қодиржон олти ёшида МХСК қосидаги «Ёшлик» спорт жамиятининг дзюдо тўғрагага олиб борди.

Ота келажақда фарзанди ҳам спорт бобида ишонч ва умидини оқлашни ният қилди. Қодиржон талабчан мураббий, дзюдо бўйича спорт устаси Комил Тожиёв қўлида сабоқ ола бошлади. Шогирд қийинчиликларни енгиб ўтишга, усуди қўлланилади. Касалликнинг олдини олиш ва тарқалишига йўл қўймаслик учун қуйидагиларга амал қилиш лозим: беморни бошқалардан ажратилиш, алоҳида хонага ётқизиш, алоҳида тиббий ходимини ажратиш, ташхисни тезроқ аниқлаш, қон сўрувчи чивин, кана, исқаботлар, сўнага қарши дезинфекция ишларини касаллик ўчоғида, аҳоли яшайдиган жойларда амалга ошириш.

Бемор билан мулоқотда бўлганлар аниқлиниб, улар 7-8 кун давомида тиббиёт ходимлари томонидан назорат қилинади ва кунига 2 мартадан (эрталаб, кечкурун) тана ҳароратларини ўлчаши, тери ва шиллиқ қаватларни кўриши, шилжияти бор-йўқлигини билиши зарур. Бемор ётган хоналар тез-тез шамоллатилиб, 3 фойзлик хлорамин эритмаси билан беморнинг кийим-кечаги ва тўшаги, анжонлари камерада зарарсизлантирилади. Қон сўрувчи ҳашаротларга қарши дезинфекция ишлари олиб борилди.

Аҳоли орасида санитар тартибдор ишларни мунтазам олиб бориши зарур.

Зулфия ШОМУХАМЕДОВА, Гулнора СОБИРОВА, шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази шифокор-эпидемиологлари.



— Ўғлимнинг ютуғи мени руҳлантирди, кўнглимни фаҳрга тўлдирди, — дейди Обиджон Аҳмедов. — Ҳар сафар машғулотларга олиб борганимда, меҳр қўйиб ўрганиб кетариман, спорт ҳамроҳи бўлармикан, деб ўйлар эдим. Мана ниятимга етдим. Ўғлим халқаро мусобақаларда ҳам совринли ўринларни эгалламоқда. Қодиржон Иброҳимов ҳозирда Республика мусика-педагогика коллежиде жисмоний тарбия ва болалар спортини мутахассислиги бўйича тахсил олмоқда. Комил Тожиёв, Фарҳод Агаев ва Шерзод Ашуров каби мураббийлар қўлида маҳоратини ошириб, кейинги мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда.

Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Қодиржон Иброҳимов машғулот пайтида.

Шифокор оғоҳлантиради

ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ

Арбовирус гуруҳи — геморрагик иситма касалликларини кўзгалатишчи табиатда уй ва ёввойи ҳайвонлар дунёсида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда уларнинг 500 дан ортиқ тури маълум бўлиб, 100 дан ортиқ тури одамларда касаллик кўзгалатади.

Касаллик одамларда энгил ва оғир кечши мумкин. Кўпгина ногиронликка олиб боради ёки ўлим билан тугайди.

Крим-Конго геморрагик иситмаси (ККГИ) ўта хавфли, табиий ўчоқли ўткир юқумли касаллик бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриши, ҳолсизлик, кўнгли айниши ва бошқа умумий интоксикация белгилари билан кечади.

Касаллик кўзгалатишчи вирусларни ташувчилар қон сўрувчи ҳашаротлар — кана, чивин, исқаботлар, сўналар бўлиб, улар уй ва ёввойи ҳайвонлар, қўшлар танасида яшашга мослашгандир.

Касаллик кана чаққанда, ҳимояланмаган қўл билан моллардан каналар терганда ва уларни бармоқлар орасида эзиб ўлдиришда, беморларнинг қони ва қонли ажратмалари, сўйилган молларнинг қони орқали, тиббий муолажалар вақтида шприц орқали, махсус лабораторияларда вирус сақловчи материаллар билан ишлаш жараёнида ҳалокат содир бўлганда юқиши мумкин.

Касалликнинг мавсумийлиги эрта баҳор-қуз ойлари, яъни қон сўрувчи ҳашаротларнинг кўпайиши даврига мос келади. Қора ҳалок туркуми касалликлари тиббиёт ходимлари орасида юқори нафас йўллари билан шомоллаши, зотилҷам,

юрак мушакларининг касаллиги, бурун, асаб ва терлама касалликлари деб нотўғри ташхис этилади.

Шу гуруҳдаги касалликларга ташхис қўйиш жуда қийин, чунки улар бошқа юқумли касалликларга ўхшаш аломатларни намойиш қилади.

Ҳасталикнинг белгилари: тана ҳароратининг бирдан кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриши, қуз коаси томирининг қизариши, юз, бўйин, кўкрак, оғиз, томоқ шиллик қаватининг қон талашиб қизариши, қон босимининг пайсаяши, юрак уришининг секинлашуви ва ҳар хил ҳолатдаги қон кетиши (оғиз, бурун, ошқозон, бачадон ва ҳ.к.).

Бундай аломатлари бор беморларга жиҳдий аҳамият берилиши талаб қилинади. Ташхис қўйишда касалликнинг эпидемиологик кечилиши, шу ҳудудда касалликнинг қайд қилиниши, қон сўрувчи — чивин, исқаботлар, кана, сўна борлиги, беморни ҳашарот чаққонлиги, қон кетиши, термининг қўқариши, қон талашиб қизариши, уй ҳайвонларини сўйишда қатнашганлиги алоҳида ўрин тутаяди.

Қора ҳалок касаллигининг алоҳида даволаш усули бўлмади, касалликни оғир ёки энгил кечилиши, беморнинг ёши, ҳолатига, юзага келган асоратларга боғлиқ бўлиб, асосан умумийлаштирилган даволаш

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бўш вакант лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодлар куйидаги талабларга жавоб беришлари керак.

- 1. Иқтисодиёт, молия, менежмент ёки бошқа йўналишлар бўйича: олий маълумотли (бакалавр, магистр) бўлиши;
2. Ўзбек, рус ва бирор хориж (инглиз, француз, немис, турк, араб ва б.) тилларини билишлари зарур;
3. Ўши 25-45 атрофида, 5-10 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши;
4. Компьютерда ишлаш тажрибасига (Word ва Excel сабоқларига) эга бўлиши лозим;
5. Тошкент шаҳрида рўйхатда туриши талаб этилади.
Маълумотномани куйидаги: — электрон манзилга — TPP-Toshkent@mail.ru ёки — факс орқали 150-31-01 телефон рақамига жўнатишлари сўралади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориши тартиб-да ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига С.Раҳимов тумани СИБ томонидан, 15.08.06 й, №10-0612/797, 21.08.07, №10-0710/350, 16.01.07, №10-0617/14119, 09.04.07, №10-0708/1265 ва 02.09.08, №13-0601/14558-сонли ижро ҳужжатларига асосан, «Йўлқўриқтасирихитис» трестига тегишли, С.Раҳимов т, Корсарой кўчаси 314 «а»-уйда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари куйида:
1. Супер «Маз-5551» русумли, д/р 10АХ711 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 796 201 сўм.
2. Супер «Маз-5551» русумли, д/р 10АХ713 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 297 543 сўм.
3. «Нексия» русумли, д/р 10АЮ083 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 068 918 сўм.
4. «Газ-3102» русумли, д/р 10ТН114 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 431 517 сўм.

2. Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан, 13.11.09, №6995/22 ижро ҳужжатига асосан, қарадор «STONE EXPRESS» МЧЖ ва «EAST PRODUCTIONS» МЧЖларга тегишли

Оз=Оз ўрганиб домо биюв

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲАМСУҲБАТЛАР ҲАҚИДА

Ким деса сиррини аҳмоқ дўстига, Оқибат тикқай самонни пўстига.

Суҳбати нодонни қилма ихтиёр, Оқибат бўлгунгдир охир хору зор.

Ҳар киши нодон била суҳбат қилур, Ул киши ўз жониға кулфат қилур.

Кимки нодон бўлса қочқон яхшироқ, Суҳбатидин балки зиндон яхшироқ.

ХАЙРУ ЭҲСОН ҲАҚИДА

Хайр қилсанг ўз кўлингда хайр қил, Ул бировларни кўлида қилмағил.

Қилса ҳар ким хайрни ўз кўл била, Борғуси жаннатга ул туз йўл била.

Мустаҳикға хайр қилмоқ фарздур, Қилгайсан бу ишни бисёр қарздур.

Бериё хайр айласа ул бойдур, Бир дирам минг бир балони қайтарур.

Хайр қилгондин кейин ёд айлама, Қилгон ул хайрингни барбод айлама.

ДУНЁГА ҲИРС ҚЎЙИШНИНГ ЁМОНЛИГИ ҲАҚИДА

Молни кўб йигғон киши кўб ғамдадур, Икки олам ичра ул мотамдадур.

Эй йигит, хушқол бўлма молға, Шукр қилгосен фақирлик молға.

Фазли раҳматдин хушол ўлмоқ равво, Моли дунёга хушол ўлмоқ хато.

Жам қилса кимки чандон молу зар, Урғуси ўз жисмиға тигу табар.

(Давоми бор) Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган

клар 2010 йил 6 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мажбури мол-мулкларни сотиш юзасидан тақоррий аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 апрель кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биринчи муҳрирнинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишиниз мумкин.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олдиндан тўхтайтилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган заклад қилинганда асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклад пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИБ «Ипак йўли банк» Собгон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Коркамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52, www.rkmb.uz.

Телефонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрий-мотбаа акциядорлик компанияси босмагониси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123 5. Топширилган вақти: 15.25